

404/687 – عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: لَمَّا ثَقُلَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أَصَلَّى النَّاسُ؟» قُلْنَا: لَا، هُمْ يَنْتَظِرُونَكَ، قَالَ: «ضَعُوا لِي مَاءً فِي الْمِخْضَبِ». قَالَتْ: فَمَعَلْنَا، فَاغْتَسَلَ، فَذَهَبَ لِيُنَوِّءَ فَأُغْمِيَ عَلَيْهِ، ثُمَّ أَفَاقَ، فَقَالَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَصَلَّى النَّاسُ؟» قُلْنَا: لَا، هُمْ يَنْتَظِرُونَكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَ: «ضَعُوا لِي مَاءً فِي الْمِخْضَبِ». قَالَتْ: فَقَعَدَ فَاغْتَسَلَ، ثُمَّ ذَهَبَ لِيُنَوِّءَ فَأُغْمِيَ عَلَيْهِ، ثُمَّ أَفَاقَ فَقَالَ: «أَصَلَّى النَّاسُ؟» قُلْنَا: لَا، هُمْ يَنْتَظِرُونَكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ، فَقَالَ: «ضَعُوا لِي مَاءً فِي الْمِخْضَبِ». فَقَعَدَ فَاغْتَسَلَ، ثُمَّ ذَهَبَ لِيُنَوِّءَ فَأُغْمِيَ عَلَيْهِ، ثُمَّ أَفَاقَ فَقَالَ: «أَصَلَّى النَّاسُ؟» قُلْنَا: لَا، هُمْ يَنْتَظِرُونَكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ. وَالنَّاسُ عُكُوفٌ فِي الْمَسْجِدِ، يَنْتَظِرُونَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِصَلَاةِ الْعِشَاءِ الْآخِرَةِ، فَأَرْسَلَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَى أَبِي بَكْرٍ بِأَنْ يُصَلِّيَ بِالنَّاسِ، فَأَتَاهُ الرَّسُولُ فَقَالَ: إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَأْمُرُكَ أَنْ تُصَلِّيَ بِالنَّاسِ، فَقَالَ أَبُو بَكْرٍ - كَانَ رَجُلًا رَقِيئًا - : يَا عُمَرُ، صَلِّ بِالنَّاسِ، فَقَالَ لَهُ عُمَرُ: أَنْتَ أَحَقُّ بِذَلِكَ، فَصَلَّى أَبُو بَكْرٍ تِلْكَ الْأَيَّامَ، وَبَاقِيَ الْحَدِيثِ تَقَدَّمَ.

404.687 Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Утбадан ривоят қилинади:

«Оиша розияллоҳу анҳонинг ҳузурига кириб: «Менга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бетобликлари ҳақида айтиб бермайсизми?» дедим. У деди: «Майли. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам оғирлашиб қолдилар ва: **«Одамлар намоз ўқишдими?»** дедилар. «Йўк, улар сизни кутишяпти», дедик. **«Менга тоғорачада сув келтириб қўйинглар»**, дедилар. Шундай қилдик. У зот ғусл қилдилар ва туришга ҳаракат қилган эдилар, ҳушларидан кетиб қолдилар. Сўнг у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳушларига келиб: **«Одамлар намоз ўқишдими?»** дедилар. «Йўк, улар сизни кутишяпти, эй Аллоҳнинг Расули», дедик. **«Менга тоғорада сув келтириб қўйинглар»**, дедилар. Кейин ўтириб, ғусл қилдилар ва туришга ҳаракат қилган эдилар, яна ҳушларидан кетиб қолдилар. Сўнгра ўзларига келиб: **«Одамлар намоз**

ўқишдими?» дедилар. «Йўқ, улар сизни кутишяпти, эй Аллоҳнинг Расули», дедик. **«Менга тоғорада сув келтириб қўйинглар»**, дедилар. Кейин ўтириб, ғусл қилдилар ва туришга ҳаракат қилган эдилар, яна ҳушларидан кетдилар. Сўнг ҳушларига келиб: **«Одамлар намоз ўқишдими?»** дедилар. «Йўқ, улар сизни кутишяпти, эй Аллоҳнинг Расули», дедик. Одамлар Набий алайҳиссаломнинг хуфтон намозига чиқишларини кутиб, масжидда ўтиришарди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларга намоз ўқиб берсин, дея Абу Бакрга хабарчи юбордилар. Хабарчи унга келиб: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларга намоз ўқиб беришингизни буюряптилар», деди. Абу Бакр кўнгли юмшоқ одам эди: «Эй Умар, одамларга намоз ўқиб беринг», деди. Умар унга: «Бунга сиз ҳақлироқсиз», деди. Ўша кунлари Абу Бакр намозга имомлик қилди.

Кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларини биров энгил ҳис этиб, икки кишининг ўртасида - уларнинг бири Аббос эди - пешин намозига чиқдилар. Абу Бакр одамларга намоз ўқиб бераётган эди. Абу Бакр у зотни кўрган заҳоти тисарила бошлади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унга «тисарилма» маъносида ишора қилдилар. **«Мени унинг ёнига ўтирғизинглар»**, дедилар. Икковлари у зотни Абу Бакрнинг ёнига ўтирғизишди. Абу Бакр Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намозларига, одамлар эса Абу Бакрнинг намозига иқтидо қилиб намоз ўқий бошлашди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўтириб олган эдилар».

Убайдуллоҳ айтади: «Абдуллоҳ ибн Аббоснинг олдига кириб, унга: «Оишанинг Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бетобликлари ҳақидаги менга айтганларини айтиб берайми?» дедим. «Қани, айт-чи», деди. (Оишанинг) ҳадисини унга айтиб бердим, ундан бирор нарсани инкор этмади. Фақат: «Аббос билан бирга бўлган кишининг исмини сенга айтмадими?» деди. «Йўқ», дедим. «У Алий эди», деди у».

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVAT MARVARIDLARI